



...Дунёни манфаат бошкаради, деган гап куни кеча пайдо бўлган эмас. Инсон зоти борки, манфаат хакида ўйлайди, фойдани кўзлаб ишлайди, харакат килади. Аслини олганда, манфаат салбий тушунча эмас. “Хайрат ул-аброр”да иктибос килинган хадиси шарифда ҳам “Инсонларнинг энг яхшиси – одамларга фойдаси тегадиган кишидир”, дейилган. Лекин нима у – манфаат – бировлар хисобидан чўнтак каппайтириш, кўнгилнинг хавойи истакларини амалга ошириш учун юзлаб кишиларнинг ёстигини қуритишми ёки эл манфаатини кўзлаб меҳнат килиш ва шу тариқа икки дунё саодатига эришишми? Жавоб беришда одатда саволнинг иккинчи қисми тасдиқланади, аммо асрлар давомида саволнинг биринчи қисми кўпчиликнинг ҳаёт мазмунига айланганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бугун ер юзида олти миллиарддан ортиқ одам яшайди. Уларнинг ичидан иккинчи Сукрот, Афлотун, Хайём, Яссавий, Навоий ва Бобурни топиш қийин, аммо юзлаб неронлар, цезарлар, чингизхонлар ёвуз ниятларини амалга ошириш учун пайт пойлаб юришибди... Адабиёт пайдо бўлганидан бери одамларни адолатга, инсоф-диёнатга, эзгуликка хизмат киладиган улуг ишларга даъват этади, аммо афсуски, буни эшитадиган кулок, эътибор кўзи кам топилади. Канийди, инсон боласи ўткинчи дунёвий манфаатлар аслида қони зарар эканлигини англаса, Ҳазрат Навоийнинг ушбу байтини ҳаётий принципига айлантурса:

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,  
Умрни туткил ганиматким, замоне беш эмас.

Бозор – манфаат уяси. Бозорда икки тоифа– сотувчи ва харидор суд-фойда топиш учун ўз молини ўтказиш билан овора. Дунё ҳам ўз мохиятига кўра, бозорга ўхшайди. Бунда ҳам, замондош шоиримиз айтганидек, “молим ёмон, деган бирор кимсани” топиш амримаҳол. Бугунги дунё бозори ҳам, бозор дунёси ҳам Ҳазрат Навоий яшаган даврдан бирмунча фарқ килади. Лекин мохият ўзгаргани йўқ. Хали ҳам бу бозорда оқиллар ва гофиллар ўз ақлларига яраша керакли кўринган нарсаларни қўлга киритиш илинжида энг азиз сарват – умрларини харж қилмоқдалар. Хали ҳам гофил киши бир кун келиб, бу бозорни тарқ этишга мажбур эканлигини унутиб, ўзини мезбон сифатида тутмоқда:

Уй бино айлаб ажабтур элни мехмон айламак,  
Улки бу уй ичра беш кун мехмоне беш эмас.

Юкоридаги байтда “беш кун” ва “беш эмас” ибораларидаги сўз ўйини – тажнис санъати алохида диккат талаб килади. Бунда шоир “беш” сўзининг форсий ва туркий маъносини кўллаб, ўқувчи тасаввурини маъно-мохият сари харакатлантиради ва калбда кечинмалар тўлкинини жунбушга келтиради. Бунинг натижаси ўларок, “беш кун” ибораси ўқувчини теранрок мулохаза килишга, тафаккур килишга чорлайди. Чунки, сўзамоллик хали шоирлик белгиси эмас. Тасвир ва баённинг зохирий гўзаллигини ўйлаб, маъно юкидан озод сўзларнинг охангдорлигига караб шеърда жойлаштириш Навоийдек тасаввур дакик шоир учун мутлако ёт ходиса. Шунинг учун, мумтоз шеърлятида кўлланилган хар бир тимсол, хар бир сўзнинг тарихий тадрижи хакида маълумот тўплаш, тахлил килиш ва муайян шеърга татбик эта билиш – таджикотчининг бирламчи вазифаларидандир.

Мархум Бертельсдан бошлаб, барча навоийшунослар “Алишер Навоийни англаш учун, энг аввало, у ўқиб-истифода килган китобларни ўрганиш керак”, деган фикрни тасдиқлайдилар, аммо, афсуски, бу хакикатга хамма вақт хам риоя килинмайди. Навоий шеърлари тахлилига багишланган маколалардаги иктибос ва далиллар хам асосан XV асрдан кейинги (Гарб олимларининг фикрларини хам шу каторга киритиш мумкин) манбалардан олинади. Негадир Хазрат Навоий даврларигача бўлган адабий-тарихий, диний-фалсафий, тасаввуфий-ирфоний манбалар унчалик муомалага киритилмаган. Навоий шеърини тахлил килишда унинг маънавий устозлари – Хофиз Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий шеърляти, шунингдек, Мавлоно Жомий хузурида “таълим йўсуни ва мукобала усулида” таълим олган, айримларининг номлари “Хамсат ул-мутахайрин”да кайд килинган адабий-ирфоний асарлар бирламчи манба вазифасини ўташи лозим. Ўшанда байтларнинг замирида етти кават пардага ўралган маъно гўзалликларини инкишоф этиш натижаси ўларок калб ороми, ички рухий коникишга муяссар бўламиз. Акс холда, тахлилларда фикрий тургунлик, бир-бирини такрорлаш офатидан кутулмок имконсиз бўлиб қолади.

“Беш кун” ибораси Навоийдан олдин хам, Навоийдан кейин хам Шарк шеърлятида кенг кўлланилган. Форс-тожик шеърлятининг йирик вакили, Навоийнинг устози Хожа Хофиз Шерозий:

Сухан дар парда мегўям, чу гул аз гунча берун ой,  
Ки беш аз панж рўзе нест хукми мири наврўзий.

(Таржимаси: Рамз тилида сўзлайман, гулдек гунча пардасини оч, чунки Наврўз амирининг хукми беш кундан ортик эмас.)

–деса, Навоийни ўзига устоз деб билган туркман шоири Махтумкулининг:

Узангинг тортарлар, тўрт кун кечган сўнг,  
Беш кундан ортикча мехмон тўхтамас–

деган сатрлари бор. Хофиз байтидаги “Наврўз амири” ибораси “беш кун”нинг тарихини Наврўз айёмига боғлиқ урф-одат ва анъаналар ичидан ахтаришимизга ундайди. Абу Райхон Берунийнинг “Ат-Тафхим” асарида келтирилишича, қадимда аждодларимиз бир йилни ўн иккита ўттиз кунлик ойга (жами уч юз олтмиш кун) тақсимлаб, қолдиқ сифатида қолган беш кунни Наврўз айёмида байрам қилишган. Яъни, бу беш кун йил ҳисобига қиритилмаган. Гардизийнинг “Зайн ул-ахбор”ида берилган маълумотга кўра, ушбу беш кун сарой масхаравозларидан бири шохона қийиниб, шох томонидан қўшиб берилган шотирлар билан шаҳарни айлантириб, Наврўз айёми амири сифатида ажабтовур ҳукмлар чиқарар, дўконлардан ширинликлар ва бошқа ноз-неъматларни бепул олиб, болалар ва мискинларга тарқатиб бераркан. Наврўз амири беш кун ўтгандан сўнг бирор муддатга яшириниб юришга мажбур бўларкан, чунки одат бўйича агар қўлга тушиб қолса, қаттиқ қалтакланаркан. Хофиз мозийдаги ушбу одат тарихига ишора қилиб, одам боласининг бу дунёдаги ҳаётини йил саногига қиритилмаган беш куннинг “ҳукмдор”и – Наврўз амирининг ҳолатига қиёслайди ва шу тариқа кундалиқ турмушда жуда муҳим қўринадиган барча нарса аслида ўткинчи-муваққат эканлигини таъкидлайди. “Беш кун” таъбири ирфоний манбаларда бошқача талқин қилинади. Алишер Навоий ўқиб-истифода қилган манбалардан бири – Ҳожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илохийнома» асарида дунёдаги ҳаётнинг бешта энг муҳим кун Жунайд Бағдодий талқинида берилган. Биринчи кун “явм ул-мафқуд” – ўтган кун, йўқотилган вақт эрур. Ўтмишни хотирлаб, бекор ўтган замонга афсус чекиш ва олдинги муваффақиятлардан мағрурланиб юришдан фойда йўқдир, чунки мозийдаги шавқат қайтарилмас, ўтмиш хатолари тuzатилмасдир. Иккинчиси “явм ул-машхуд” – бугунги кун бўлиб, ҳар бир киши бу лаҳзалардан тўғри фойдалана билиш, ўзи учун охираат озигини тайёрлаб бориши, нафс аталмиш душман билан аёвсиз кураш олиб бориб, ахлоқини тuzатиб бориши лозим. Акс ҳолда бир-бирига ўхшаш кунлар самарсиз ўтавериш, машхуд қуни ҳам мафқуд – бефойда кетиши ҳеч гап эмас. Қелажак, яъни эртанги кун “явм ул-мавруд” дея аталиб, бу кун насиб этиш-этмаслиги ҳали номаълум. Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий бу куннинг талқини ҳақида алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дейди: “Эй азиз, эртанги кунга ишонч йўқдир, ундан бонасиб бўлиш-бўлмаслигинг ёлғиз Худонинг Ўзига аёндыр. Сенга ноён бўлган нарсага умид боғлашинг нораво, негаки, насиёга савдо қилиб, суд(фойда)ни қўзламок савдойиларнинг ишидыр. Эртанги куннинг ўз вазифалари ва ўз ташвишлари бордыр, ҳар бир нафас ҳисобли бўлган бу дунёда бугунги ташвишни эртага қолдириш нотўғри ишдыр”. Халқ орасида машхур бўлган ва қўпинча оқибатсизликнинг оқлови сифатида қўлланиладиган “Пайгамбар ҳам бугунини қўрибди” мақоли ҳам шу нуқтаи назардан олиб қаралса, муддао янада равшанлашади. Тўртинчи кун “явм ул-мавъуд” – ваъда қилинган кун, яъни бу дунёни тарқ этиш қунидыр (Махтумкулининг “Узангинг тортарлар тўрт кун кечган сўнг” мисрасини эсланг). Бу –

жамийки тирик жонга ваъда килинган кундир. Ўлим муаммоси – дин, фан, фалсафа ва адабиётнинг умумий ва абадий жумбокларидан. Цицерон ўлимни дахшат деб билса, Сукрот ахамиятсиз нарса сифатида талкин килади. Като ажални тотли ва гўзал деб мадх килса, Зардушт ўлимни инсоннинг энг хавфли душмани деб билади. Шарк файласуфларидан Закариё Розий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино юнон мутафаккирларига издошлик килиб, “Ўлимни эслаш” номида алохида рисоалар таълиф этганлар. Аммо улар юнон олимларидан фаркли ўларок ислом таълимотидаги ўлимни жисмга оид эканлиги, рух эса абадийлиги акидасини асос сифатида олиб, ажални кисматдаги вокелик сифатида қабул килиш лозим, моддият оламида абадий хаётга эришиш йўлидаги барча интилиш ва саъй-харакатни самарсиз, дея бахолаганлар. Ибн Синодан кейин бу масала мухокамаси фалсафадан тасаввуф ва ирфон майдонида кўчди. Орифлар талкинида ўлимдан кўркиш-кўркмаслик инсоннинг рухиятига боғлиқдир. Инсон канчалик моддий оламга боғланган бўлса, нафс унинг устидан ўз хукмини ўтказган бўлса, шунчалик ажалдан кўркади ва уни эсламасликка харакат килади. Рухий хурриятга эришган кимса эса, ўлимни худди висол онини каршилаганидек истикбол килади. Ижодий хаёти шеър билан бошланиб, шеър билан тугаган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг сўнгги газалини эсланг:

Ўлимим кунни қачонки тобутим равон бўлгай,  
Гумон килмагилки кўнглимда дарди жахон бўлгай.  
Менинг учун йиглама ва демагил «Дариг, дариг!..»  
Девлар домига тушгайсан дариг хамон бўлгай.  
Жанозамни кўрсанг демагил «Фирок, фирок»,  
Менга висол ва мулокот ўшал замон бўлгай.

“Одам боласининг мол-дунё, абадий роҳат-фарогат, зулм ва зўравонлик, уруш ва киргинбаротга ўчлиги ўлимдан кўркиши туфайли юзага келадиган рухий иллатдир”, деб ёзади араб алломаси Ибн Халдун. Бир сония олдин хам, кейин хам келмайдиган бу казойи мубрам олдида ночор, моддият ва рухоният аросатида колган инсонни юкоридаги талкинларнинг бирортаси тўла каноатлантирмайди. Шу сабабдан, Ансорий “Ўлимдан икки кун кочмаслик керак– ажал етган кун хамда ажал етмаган кун”, дея ушбу хақиқатга ойдинлик киритгани хам ушбу муаммо ечимига кўйилган сўнгги нукта эмас...

Тирикликнинг энг муҳим кунларининг бешинчиси “явм ул-мамдуд” – Хисоб кунни, Киёмат кунни дея талкин килинади. Ушбу кун синов тарикасида берилган умрдан тўғри фойдалана билган оқиллар хам, ўзини Ер курасининг мутлак хукмдори билган, ўлимни хаёлига хам келтирмаган гофиллар хам Азал ва Абад мезбони – Парвардигори Олам хузурида бўлиб, килмишларига яраша мукофот олажаклар. Бу кун одамлар ўз ноқис ақлларида таяниб, тасалли учун тўкиган нисбий хақиқатлари чилпарчин бўлиб, Абадий Хақиқат гумон ва шубҳа пардаларини йиртиб, барчанинг кўзига намоён бўлади. Ушбу Хақиқатга тик қарай билиш нечук олий саодат, қарай олмаслик эса, накадар огир мусибат...

Кўй тавонолиг сўзин, ёд эт ажал хоринки, бил  
Пашшалар ниши кошинда нотавоне беш эмас.

Учинчи байтда Навоий дастлабки икки байтда ифода этилган фикрни ўзига хос изчиллик билан давом эттириб, “тавонолиг” иллоти хакида сўз очади. “Тавонолиг”нинг ўзаги “тавон” сўзи бўлиб, куч, кудрат, зўрлик маъносини англатади (тавонгар – бой, бадавлат, нотавон – кучсиз, химояга мухтож сўзларининг ўзаги ҳам “тавон” сўзидир). Одам боласининг замирида такаббурлик, хасад, бахиллик, очкўзлик, менсимаслик, худбинлик каби иллатларнинг томир ёзишига кўпинча Яратган томонидан синов тарикасида берилган мол-дунё, амал, билим, жисмоний кувват ёки зохирий хусн-чирой сабаб бўлади. Муваккат муваффакиятларга мағрурланиш, факат ўз салохиятига таянишдан Олий Кудратни инкор этишдек халокатли холат юзага келади. Алалокибат, Намруддек худолик даъвосини килганлар димогига кирган бир пашша туфайли халок бўладилар, Абраха сингари Каъбатуллони бузишга филлари билан отланган хукмдорлар абобил кушлари отган кесаклар зарбидан курт еб ташлаган япрокдек бўлиб коладилар... Тарих – ибрат кўзгуси. Тарих – одамийлик сабоги. Ижодкор вазифаси – тарих ибратларини эслатиш оркали инсонларни хамиша огохликка, Рахмон изидан юришига даъват этмокдир:

Кир фано дайригаким, хар шайху юз савдо анга,  
Улки отин хонаках кўймиш, дуконе беш эмас.

Хак йўли фидоийликни талаб килади. Фидоийлик – ўзликдан, манманликдан, инсоний кусурлардан воз кечмок ва юксак ахлокий сифатлар ила безанмокдир. Бу йўл Навоий наздида фано йўлидир. Фано йўли шайхпараст, кўр-кўрона эътикод сохиблари учун абадий ёпик. Негаки сохта обрў савдосига (савдо сўзининг яна бир маъноси – телбалик, жунун демакдир. Бу байтда савдонинг ушбу маъносига ишора килинмокда – О.Д.) тушган шайхларнинг хонахохи аслида бозордаги баккол дўкони сингари олибсотарлар дўкони дир. Ёлгон ва алдов, макр ва найрангни энг мукаддас жой – ибодатгоҳга олиб киришга шайланган риёкор шайхлар бу савдога зохирга мафтун “ахли жох”ни жалб килмокчи бўладилар. Шу сабабдан, кейинги байтда шоирнинг танкид калами зарбоф тўнига мағрур мағзи пуч дунё ахлининг аслини фош этишга каратилган. Навоийнинг талкинида, зарбоф тўн маънавият ахли олдида одамнинг табъини хуш киладиган заъфарон гуличалик кадри йўк:

Эйки, бўлмиш хилъатинг зарбафт, бори билким, ул

Маъни ахлин кулдурурга заъфароне беш эмас.

Манфаатпарастлик, факат бугунни кўзлаб иш кўриш, бойлик ва хашамга ўчлик калб кўзини сўкир килади, кишини гафлат боткогига етаклайди. Кўланкасини майдон деб ўйловчилар билмайдик, хаттоки бутун дунёга якка хоким бўлиш ҳам хали нажот ва бахт белгиси эмас. Нажот – огохликда. Дунё – синов майдони. Мансаб ҳам, мансабсизлик ҳам аслида синовнинг бир туридир. Берилган амалга имтиёз эмас, масъулият деб караш кишида огохлик туйгусини шакллантиради, эътикод ва иродасини тоблаб, одамийлик сархадларига ёвук келтиради. Навоий ўзи яхши кўрган мавзу – шохлик хикматини янада ёркинрок ифода этиш учун шохни чўпонга, фукарони бир сурук кўйга ўхшатади. Кўйларнинг хаёти чўпонга ишониб топширилганидек, шохлар ҳам унга ишонч билдирган раиятнинг тинч ва фаровон яшаши учун шароит яратиб бермоги, тараккиётнинг янги-янги манзилларига олиб чиқмоги керак. Сурувсиз чўпон бўлмаганидек, раиятсиз шохлик ҳам йўқ. Шунинг учун раиятига зулм қилган шох аслида ўзига-ўзи путур етказди, дейди шоир:

Меҳр тожу чарх тахтинг бўлса гофил бўлмаким,  
Меҳр бемеҳру фалак номехрибоне беш эмас.

Шахга иш эл фикрини қилмоқдур, ул ким, зеб ким?  
Бир суруг кўйдур раоё, ул шубоне беш эмас.

Бу куйма сатрлар бутун умри давомида “яхши-ямоннинг феълени билган ва ямону яхши хислатларин тажриба қилган” (“Махбуб ул-қулуб”) шоирнинг хаётий хулосаларидир. Отаси тирик бўла туриб, тахт учун қурашаётган темурий шахзодалар, хаж сафари учун Навоийдан пул олиб, бўлмагур ишларга сарфлаб юборган диёнатсиз диндорлар, халқ молига кўз тикиб, талончилик, фириб ва найранг билан кун кўришга одатланган текинтомоқлар, тўртта гувалани устма-уст кўйиб, осмонўпар касри борлигидан мағрур бойларнинг гофиллиги тугма инжатабъ шоирни оворалик кўйига солганди. У масжиду хонақодан, бозору мазорлардан, илм даргохлари ва косибхоналардан факат ва факат Огох Кўнгил сохиби бўлмиш Хазрати Инсонни кидирарди:

Гар Навоий истади оворалиг, эй ахли хуш,  
Гам еманг, девонайи бехонумоне беш эмас.

Мумтоз газалчилигимизда тахаллус байтидан сўнг дуо ва багишлов мазмунига эга бўлган

бир-икки байт ёзиш анъанаси хам бўлган. Бундай байтлар газал кайси муносабатда ва кимга багишлаб ёзилганини аниклаш имконини беради. Жумладан, тахлил килаётганимиз газал “Билкиси ахд” алкови билан тугайди:

Авжи давлат узра бўлсун доимо Билкиси ахд,  
Ким Зухал касрида хар тун посбоне беш эмас.

Тарихий манбаларга кўра, Билкис – Сулаймон пайгамбарнинг хотини, Сабо маликасининг исмидир. Билкиси ахд таъбири ўрта асрларда замон маликалари, кўпинча валиахднинг онасига нисбатан кўлланилган. Навоий ўз шеърларида бу таъбирни кўллаганда Хусайн Бойкаронинг севимли хотини Хадичабегимни назарда тутган. Лекин масаланинг иккинчи томони хам бор: Хусайн Бойкаро салтанатининг расмий валиахди – Бадиуззамон Мирзо бўлиб, Хадичабегим ўз ўгли – Музаффар Мирзони тахт устида кўрмокни истарди. Навоий эса, Бадиуззамон Мирзо номзодлигининг тарафдори эканлиги тарихдан маълум. Унда нега ушбу ва бошка шеърларида айнан Хадичабегимни “Билкис” – валиахднинг онаси, деб тавсифланган? Бу сиёсий эҳтиёткорликмиди, ёки... Мумтоз шеършунослигимизда “мухтадил уз-зиддайн” деган адабий санъат бор. Бу – шоир бир-бирини рад киладиган икки ва ундан ортик мазмунни бир мисра ёки байтда ифода эта олиш санъатидир. Ушбу санъат мадхга ўхшаш замм – хажв ёки хажвга ўхшаш мадхларни ифода этишга кўлланилган. Тахлил қилинаётган байтда хам икки маънода кўлланилган иккита тимсол бор. Бири – Билкис, иккинчиси – Зухал.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да келтирилишича, Билкиснинг “отаси Шарохил Яъриб бинни Кахитон наслидин ва онаси Района жиниким, жин шохининг кизи бўлгай... Бовужуди ети юз харам (хотин ва канизак) ва уч юз зуррият (фарзанд) Тенгри таоло Сулаймон а. с.га бир ўгул бердиким, бир кўзи кўр ва бир илики ва бир оёғи йўк эрди. Сулаймон а. с. ва Билкис ва Осаф инсоф юзидин ўзларининг уюбига муътариф бўлуб (ўз айбларини эътироф қилиб), дуо қилгоч, ул тифлни Хак таоло тандуруст қилди ва анинг мухофазати учун Сулаймон а. с. жинларни таъйин қилди. Тенгри таолога анинг ўз ўғлини сойири атфолдин мумтоз қилиши писандида тушмай, Азроилга амр бўлдиким, рухин қабз қилиб, жасадин Сулаймон а. с.нинг тахти устида ташлади...”

Агар юкорида келтирилган маълумотни тахлил қилинаётган байтга кўлласак, байтда Билкиси ахд-Хадичабегимнинг таъсирида Музаффар Мирзонинг бошка ака-укаларидан кўра кўпроқ имтиёзга эга эканлиги ва бу халкка хам, Хакка хуш келмаслигини нозик ишора билан баён этилгани ойдинлашади. Ушбу фикрнинг иккинчи далили сифатида Зухал тимсолини хам кўриб чикайлик. Ўрта асрлар нўжум илмига кўра, Зухал ( Кайвон, Сатурн) сайёраси еттинчи фалак посбони бўлиб (байтда Зухалнинг ушбу хосиятига ишора қилинган), иккинчи номи “Нахси акбар” (катта мусибат)дир. Берунийнинг “Ат-Тафхим” асарида келтиришича, Зухал кўчманчи қабилалар, қуллар, пасткаш ва зикна қимсаларнинг хомийси бўлиб, макр, хийла, жохиллик, бахиллик, такаббурлик ва танбаллик сифатлари ушбу юлдузнинг харакатидан авж олади. Хоконий Шервоний шу маънони ахлокий бир касидасида қуйидагича баён этган:

Аз шумо нахс мешаванд ин қавм,  
Тўхмати нахс бар Зухал манихед!

(Таржимаси: Сизлар туфайли бу элни нахс босди, Зухалга нахслик тухматини килманг).  
Навоий хам “Нахси акбар” бўлмиш Зухал Хадичабегим касрида бор-йўги бир посбон  
эканлигини кайд килиб, шу оркали Бойкаро саройидаги кабохат ва алдовлар, найранг ва  
фитналарнинг уясини кўрсатишга жазм килган бўлса, ажабмас. Валлоху аълам  
биссаваб...

Олимжон Давлатов